



Бошқа бир ривоятда:

**«Сажда қилсалар, уни қўяр ва турсалар, кўтариб олар эдилар»,**  
дейилган.

*Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.*

**Шарҳ:** Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўта болажон эканликлари маълум ва машҳур. У зотнинг Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн розияллоҳу анҳуларни кўтариб олиб намоз ўқиганлари ҳақида ривоятлар кўп.

Ушбу ривоятда эса Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам катта қизлари Зайнаб розияллоҳу анҳо ва куёвлари Абу Осснинг қизлари Умомани кўтариб олиб, имомлик қилганлари ҳақида сўз бормоқда.

Демак, ёш болаларни кўтариб олиш, уларни ерга қўйиш, яна қўлга олиш билан намоз бузилмайди. Ушбу ва шунга ўхшаш бошқа ҳадислар бунга далил ва ҳужжатдир. Чунки кичик болалар ота-оналарига кўп осилишади. Яна бу ишнинг яхши томони ҳам бор. Намознинг ичида аралашиб ўсган болалар ибодатга мойил бўлиб ўсадилар.

Болалар ва уларнинг кийимлари пок бўлиши ҳақида ҳукм бор. Фақат нажосат очиқ-ойдин кўриниб турган бўлса, уни кетказиш керак.

أُولُتْ قَا: لَاقَ مَسْوَهِ لَعْلَلِ اِلَّصَّيْبِ لَلْاِنَعُ، عُنَّعُ لَلْاِيْضَرَ رَؤْيُ بَأْنَعُ  
عَ حَحَّصَوُ مَكْحَلْ اَوْنَنْ سَلْ اُبَا حَصْ اَوْرَ. بَرْقُ لْاَوَّيْ حَلْ اِلْ صَلْ اِيْ فَنِيْ دَوْسْ اِلْ

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Икки қорани: заҳарли илон ва чаённи намозда ҳам ўлдиришлар»,**  
**дедилар».**

*«Сунан» эгалари ва Ҳоким ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Исломнинг асосий ғояларидан бири инсонни турли зарар ва кўнгилсизликлардан сақлашдир. Шунинг учун барча исломий ҳукмларда бу нарсага катта эътибор берилади. Мана, кўриб турибмизки, ҳатто намозда ҳам кишиларга зарар етишининг олдини олиш чоралари кўрилган. Илон ва чаён инсонга зарар етказиши аниқ бўлган нарсалардир. Шунинг учун намоз ўқиётган одам намозда туриб, уларга кўзи тушиб қолса, ўлдиришга

амр қилинмоқда. Албатта, уларни иложи борича кам, яъни бир-икки ҳаракат билан ўлдиришга уриниш керак.

Илон ва чаёндан бошқа заҳарли ва зарарли нарсалар ҳам шу ҳукмга киради.

مَلَسَ وَهَيَّجَ هَلَلًا لَصَّه لَلْأَلُوسَ رَوْتُئِجُ: تَلَّاقَ أَعْنُ هَلَلًا يَضَرَّ شَيْئًا عَن  
يَلَّغَجْرُ مَثَّ يَلَّحَتْ فَيَّحَ شَمَّ فَيَّحَ لَعْبَابُ لَوْتُيَّ بَلَّ يَفَّ يَلَّصَّ  
يَنَسُّ لَبَّاحُ صَأْ هَأَوْرَ لَعْبَابُ لَتَفَّ صَوَّ وَهَأَكَم

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**У киши:**

**«Келсам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйда эшикни бекитиб олиб, намоз ўқиётган эканлар. Бас, юриб келиб, менга эшикни очдилар ва яна ўз жойларига қайтдилар», дедилар.**

**Ва у (Оиша) эшикнинг қибла тарафда эканлигини васф қилдилар».**

*«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Маълумки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамма фарз намозларни масжидда жамоат билан ўқиганлар. Хужраларида эса нафл намоз ўқиганлар. Бинобарин, ушбу ривоятда ҳам нафл намоз ҳақида сўз бормоқда. Зотан, бу ҳадиснинг бошқа бир ривоятида нафл «намоз ўқиётган эканлар» ҳам дейилган.

Эшик қибла тарафда бўлганлиги учун у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бориб, эшикни Оиша онамизга очганларида юзлари қибладан бурилмаган экан.

Демак, шундай ҳолатда эшикни очиш ёки шундай ишни қилиш билан нафл намоз бузилмайди. Албатта, ҳожат юзасидан қилинганида.

أَنَّهُ أَوْ يَلَّصَّ يَمَلَسَ وَهَيَّجَ هَلَلًا لَصَّه لَلْأَلُوسَ رَوْتُئِجُ: تَلَّاقَ أَعْنُ هَلَلًا  
يَضَرَّ شَيْئًا عَن يَلَّغَجْرُ مَثَّ يَلَّحَتْ فَيَّحَ شَمَّ فَيَّحَ لَعْبَابُ لَوْتُيَّ بَلَّ يَفَّ  
يَلَّصَّ هَلَلًا لَصَّه لَلْأَلُوسَ رَوْتُئِجُ: تَلَّاقَ أَعْنُ هَلَلًا يَضَرَّ شَيْئًا عَن  
يَلَّغَجْرُ مَثَّ يَلَّحَتْ فَيَّحَ شَمَّ فَيَّحَ لَعْبَابُ لَوْتُيَّ بَلَّ يَفَّ يَلَّصَّ  
هَلَلًا لَصَّه لَلْأَلُوسَ رَوْتُئِجُ: تَلَّاقَ أَعْنُ هَلَلًا يَضَرَّ شَيْئًا عَن  
يَلَّغَجْرُ مَثَّ يَلَّحَتْ فَيَّحَ شَمَّ فَيَّحَ لَعْبَابُ لَوْتُيَّ بَلَّ يَفَّ يَلَّصَّ

*Яна ўша кишидан ривоят қилинади:*

**«Батаҳқиқ, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиётганларида у зот билан қибланинг ўртасида ёнбошлаб ётганим**

**бор. Бас, сажда қилишни хоҳласалар, оёқларимни қўллари билан туртар эдилар. Мен оёқларимни йиғиштирар эдим».**

*Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.*

*Бошқа бир ривоятда:*

**«Намоз ўқиб турганларида оёқларимни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қиблаларига чўзар эдим. Бас, сажда қилсалар, мени туртар эдилар. Мен оёқларимни кўтарар эдим. Бас, турсалар, уларни чўзар эдим», дейилган.**

**Шарҳ:** Бу ҳадиси шариф аввал ҳам ўтган. Лекин бу ерда намозда энгил ҳаракат қилиш мумкинлигига далил келтириш учун қайтадан ривоят қилинмоқда.

Бу ривоятдан нафл намозида аёл киши эрининг қибла тарафида оёғини чўзиб ётиши, эр сажда қилмоқчи бўлса, уни туртиши мумкинлигини билиб олмоқдамиз. Демак, бу нарса жоиз экан.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.